

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

давлат қабул комиссияси қарори билан 2002/2003 ўқув йилга пулли-тулов шартнома асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентларни таълим тури, тили ва йўналиши бўйича жавоб варақаларининг рақамларини эълон қилади.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1001 - Mathematics and Informatics.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1004 - Chemistry and Ecology.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1007 - Uzbek Language and Literature.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1008 - Biology and Practical Foreign Language.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1009 - Mathematics in Astronomy and Mechanics.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1002 - Physics in Astronomy and Mechanics.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1005 - Geography and Historical Linguistics.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1006 - Geography and Historical Linguistics.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1007 - Uzbek Language and Literature.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1010 - Pedagogy and Psychology.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1011 - Millennial History of the Republic.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1012 - Tasviriy San'at va Muxlislik Grafikasi.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1013 - Tarix.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1015 - Milliy Istiqlos Gosi.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1016 - Toshkent Tarbiyasi.

Table with columns: йўналиш, жавоб варақаси №, тулган балли. Includes subject 1017 - Matematika va Informatika.

Шартномаларни расмийлаштиришнинг сўғити мuddати — 2002 йил 15 сентябргача. Қабул комиссияси университетнинг 4-ўқув биносида жойлашган.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй. Қабул комиссияси телефон рақами: 55-70-27, факс: 54-92-17.

Биз сизни кутамиз, азият талабалар!

по этилли. Бундай шохобчаларда хорижий валютани сотиб олиш учун аввал жорий этилган барча чекловлар бекор қилинди. Нақд хорижий валюта сотиб олишнинг мумкин бўлган миқдори Меморандумда кўзда тутилганидан ҳам юқорироқ даражада белгиланди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахслар учун миллий валютани чет эл валютасига бир марталик айирбошлаш миқдори 600 АҚШ долларидан 750 долларга, апрель ойда 1000 долларга кўтарилди ва июнь ойидан бошлаб жисмоний шахслар 1500 доллар миқдорда нақд чет эл валютаси ҳамда қиймати 1000 долларга тенг бўлган йўл чекини харид қилиш имкониятига эга бўлишди.

Шу жумладан, валюта тизимини эркинлаштириш ва сўмининг жорий операциялар бўйича эркин алмасувини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг биржадан ташқари валюта бозорига хорижий валютани эркин харид қилишнинг чегараловчи бир қатор низомилар ҳукуматимиз томонидан бекор қилинди.

Бундан ташқари, ўтган даврда Марказий банкнинг иқтисодий эҳтиётлари ролини ошириш, унинг молиявий раванглигини таъминлаш мақсадида муҳим ҳадам қўйилди. Хусусан, Марказий банкнинг 2001 йилдаги фаолияти ахуларни биринчи марта халқаро аудит текширувидан ўтказилди. Нуфузли "Делойт энд Туи" халқаро аудит компанияси томонидан жаҳон андозларига мувофиқ ўтказилган аудит текшируви Марказий банкнинг молиявий ҳисоботи банкнинг 2001 йилдаги молиявий ҳолатини ўзида тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирганини тасдиқлади.

Нихоят, Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан 2002-2003 йилларда амалда оширилган ва мазкур Жамғарма ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан қўллаб-қувватлашни мумкин бўлган иқтисодий дастурнинг асосий моддаларини жорий йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқиш ҳақида келишиб олинди. Бу эса, шубҳасиз, халқаро миқёсда мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончнинг янада мустақамлаштириш ва хорижий молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида равишда долзарб масалага айланиб қолди. Банклар томонидан айтиш мумкин қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Маълумки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишини ва инвестицияларни жалб

қилиш орқали янги иш жойлари яратилишини таъминлайди. Жаҳон амалиётдан яхши намуналар, кичик ва ўрта корхоналар ташкил қилиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустақамлаш учун маблағ билан таъминлаш мумкин бўлган бўлиб келган. Айниқса, ҳусусий сектор эндиликда ривож топаётган давлатларда бундай муммома ўта долзарб ҳисобланади.

Шундай шароитда ҳукуматимиз кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилди. Ўз навбатида, банк тизими ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш, берилётган кредитлар ҳажминини ошириш орқали ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини тартибга солувчи қатор меъёрий ҳужжатлари бекор қилинди, айрим меъёрий ҳужжатлар қайта қўриб чиқилди ва соддалаштирилди. Шунингдек, тижорат банкларига тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ қондаларни мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилди.

Ҳозирги кунда барча тижорат банкларига имтиёзли кредитлаш мақсуд жамғармалари ташкил этилган бўлиб, уларда йўналган маблағлар ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда юқори технологик ва инновацион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Қайд этиш лозимки, банкларнинг мазкур соҳага ажратган кредитларидан қўрилган даромад яна шу соҳага қайта йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши ва мазкур жамғарма ҳисобидан берилётган имтиёзли кредитларнинг фойз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмаслиги каби имтиёзларнинг яратилгани банкларнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратаётган кредитлари ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг ўз маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Бундан ташқари, жорий йилда Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда республикада оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги Низоми ишлаб чиқилди. Унга кўра, тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, иссиқхоналар қуриш, чорва моллари сотиб олиш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун имтиёзли асосда энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдорига микрокредитлар бериш тартиби амалиётга жорий этилди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу тартибнинг жорий этилиши халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун бошланғич сармоёга эҳтиёжман оилавий тадбиркорларни пул маблағлари билан таъминлаш имконини берди. Биргина шу йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари ва хўсусий тадбиркорларга жами 18 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 2,5 марта кўпдир.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида чет эл сармоисини жалб этиш, хорижий молия ташкилотлари томонидан оцилган кредит линияларини ўзлаштириш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 40,4 млн. АҚШ доллар миқдорига хорижий кредит линиялари ўзлаштирилди. Шу кунгача кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялашга жами 332,3 млн. АҚШ доллар жабб қилинди. Айни пайтда, ушбу мақсадлар учун яна қўшимча равишда 270 млн. АҚШ доллар миқдоригаги кредитлар ва чет эл грантларини жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига жами 24277 та янги ишчи ўринлари яратилиб, уларнинг 18312 таси эки 75,5 фоиз тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига ташкил этилди.

— Сўбатимиз сўнггида банк тизимининг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Келгусида амалда ошириш мўлжалланаётган вазифалар кўлами жуда кенг. Зеро, ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишига бевосита боғлиқ-

дир. Хусусан, республикамиз банклари фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва уларнинг халқаро молия бозорларига рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича ҳали кўп ишларни қилишимиз керак.

Энг аввало, Марказий банк мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаш, ишончли иқтисодий ўсишни таъминлаш ва инфляция даражасини пасайтиришга асосий эътиборни қаратади. Жумладан, бу:

— ҳукумат билан биргаликда валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни давом эттириш, валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ чекловларни аста-секин бекор қилиш, нақд хорижий валюта бозорини кенгайтириш ва валюта айирбошлаш курсларини бирхиллаштириш;

— Марказий банкнинг фойз ва қайта молиялаштириш сиёсатини янада такомиллаштириш;

— пул-кредит сиёсатининг бозор воситаларини такомиллаштириш мақсадида Марказий банк облигациялари ва депозит сертификатлари билан очiq бозордаги операциялар ҳажминини кенгайтириш;

— пул бозорини ривожлантириш мақсадида банклараро кредит бозори, давлат қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ва банклараро валюта бозори фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш;

— мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида нобанк молиявий муассасалар, шу жумладан, кредит уюмларини фаолиятини рағбатлантириш;

— давлат-тижорат банкларини хусусийлаштириш, мавжуд банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва янги банкларни, шу жумладан, хорижий банклар бўлимларини очилиши рағбатлантириш йўли билан банк тизимда соғлом рақобат мўҳитини яратиш;



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Муҳтарам юртдошлар!

СИЗЛАРНИ УЛУФ БАЙРАМ —

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ

11 ЙИЛЛИГИ

БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ !

Умумхалқ байрамида барча оилаларга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва қут-баракат тилаймиз.

Мустақиллик байрами арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз миҳозларига филиаллараро тўловлар ўтказишни, шунингдек, уларга қулай бўлган вақтда бошқа хизматлар кўрсатишни таклиф этади.

2002 йил 26 августдан бошлаб банкнинг барча филиалларида электрон тўловларга ўтиши муносабати билан икки сменада иш ташкил этилган.

Ўзайтирилган тўлов тизими ягона корреспондентлик ҳисоби шароитида «Ўзсаноатқурилишбанк» филиалларида ҳисоб рақамлари бўлган ўз миҳозларига бизнес-ҳамкорлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилишларида янги афзалликлар ва имкониятлар яратилди.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» — МИЖОЗЛАР БАНКИДИР.



РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ — АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«Пахта Банк»и

Ўз акциядорлари ва миҳозларини, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган

Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Шу муносабат билан 2002 йил 20 августдан эътиборан 10 сентябрга қадар 6,5 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган манфаатли ва қулай бўлган «МУҚАДДАС ЗАМИН» муддатли жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра, фоизли даромадингизни биринчи бор 45 кун тўлиши билан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 78-10-32, 173-25-56.

«Пахта Банк» сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий қувонч тилайди!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Теннис

Бўлажак юлдузлар кортда

Кунги кеча пойтахтимида Ўзбекистон Республикаси «Президенти кубоги» халқаро теннис турнири очилиши арафасида яна бир шундай нуфузли мусобақа — ўсмирлар ўртасида теннис бўйича «UN Cup» (БМТ кубоги) халқаро мусобақалари бошланди. Мазкур турнир БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан республика Теннис федерацияси ҳамкорлигида тўртинчи бор ўтказилаётган. Унда Россия, Япония, Хиндистон, Қозоғистон, Грузия, Арманистон ва мамлакатимизнинг кўплаб ёш теннис-

чилари баҳслашмоқда. — Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшларни спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ушбу халқаро турнирнинг бош мақсади, — дейди БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Ф. Тешабоев. — Иккинчидан «UN Cup»нинг айнани Мустақиллик байраминиз арафасида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, бир ҳафта давомида дунёнинг турли бурчақларидан келган ёш теннисчилар пойтахтимида бўлажак катта шодоналарнинг ҳам гувоҳи бўлишди.

Болажонлар қувончи

Кувадой шахридаги Пакана, Қақир, Чек, Янгиариқ ҳамда Кокилон қишлоқ болажонлари мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида муносиб совға олди. Пакана қишлоғида «Квари» акционерлик жамияти сармояси ҳисобига «Нилуфар» номидаги болажон божчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур болажон божчасида кичкинтойларнинг мароқли дам олиши, улар саломатлигини назорат қилиш учун барча шартнош яратилган. Шунингдек, кичкинтойларни боғчага олиб келиш, уйига элтиб қўйиш, шаҳар ва вилоят марказларидаги хушманзара, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш учун махсус автобус ажратилди. Бу боралдаги барча сарф-харажатлар «Квари» акционерлик жамияти ҳисобидан қопланди. Болажон мазмунасини барпо этиш учун 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари «Квари» акционерлик жамияти қурувчилари томонидан ниҳоятга етказилди. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси раиси Эркин Акрамов, Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабоев иштирок этди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЎЗБЕК ВА МУХТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!
Bahnamo
компанияси
СИЗ АЗИЗЛАРНИ
ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
11
ЙИЛЛИК
БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН САМИМИЙ
МУБОРАҚБОД ЭТАДИ!
Жонадонингизга
тинчлик, бахт, фаровонлик,
эзгу ишларингизга
улкан ютуқлар тилайди!

Байналмилал марказлар фаолиятдан

«НУР» ЁҒЛУСИ

Чул бағрида жойлашган Зарафшон шахрида турли миллат вакиллари яшаб меҳнат қилишади. Истиқлол шарофати билан уларнинг ўз тили, маданияти ва анъаналарини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар вужудга келмоқда.

Бунинг «Нур» таттар-бошқирд миллий маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Марказда она-Ватан, халқлар дўстлиги, ёшлар тарбияси, миллий истиқлол мавзусида турли тадбир-

лар ўтказиб турилади. Аслида «Нур» мустақиллик йилларида ташкил этилган биринчи таттар-бошқирд миллий маркази бўлиб, республика байналмилал марказининг тенгдошидир. Амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида гап кетар экан, Г.Ахметшин, Ф.Аглиуллина, М.Маннонов, Р.Тирфанова, Г.Ҳамидулло, Н.Илматулин ва бошқа кўплаб фаолларимиз хизмати мактовга сазовор. Улар истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида бай-

САВОЛ БИЗДАН...
Хайдаробод шаҳри қаерда жойлашган?
136-35-60
Кечати сонда берилган саволнинг жавоби: Олим.

В.ҲАЙРОВ,
Зарафшон шаҳридаги «Нур» маданият маркази раҳбари.

Азиз ҳамюртлар!
Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан сизларни чин қалбимиздан табриклаймиз!
Ушбу саодатли кунларда сизларга бахт ва саодат, тинчлик ва саломатлик тилаб, гўзаллик ва самимият ҳамнафас бўлишини тилаб қоламиз.
Азиз дўстлар!
Барча яхши ниятларингиз амалга ошсин!
COSCOM компанияси

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси «Ўзбекино» ДАК «Киночилар уйи» директори, журналист Уктам Мирзаерова фарзандлари УМИДА ва МУЗАФФАР нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.	Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси иккинчи жамоаси «Ўзбекино» ДАКнинг «Киночилар уйи» директори Уктам Мирзаерова фарзандлари МУЗАФФАР ва УМИДА ХОНларнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент фармацевтика институти ректорати ва жамоаси институти ректорати Аҳмад Юнусхужаевга акаси АЗИЗХУЖА аканинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент фармацевтика институти ректорати ва жамоаси институти ўқув бўлими бошлиғи Шаҳноза Умаровага онаси МАТЛУБА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси университети профилдакторий-санаторияси бош шифокори Исламбек Акмаловга ули СУЛТОНБЕК нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
---	---	---	---	---

«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**
Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир Уринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шогулдомов, О. Қашбергенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизанга қўйиш бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рунхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буловия Г — 777, 21606 нусxada босилди,
ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар
Жамият ТОВАБ ва Зокир БОЛТАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Таҳриратда ҳажми 5 қондоқдан эълм
материаллар қабул қилинади.
☐ — Тижорат материали

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Муасхххх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 1.20